E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Фарғона водийсида ердан фойдаланишни ўрганишда тарихий ёндашувнинг зарурати.

О.И.Абдуғаниев
ФарДУ, география кафедраси доценти.

Абдусатторжон Абдумалик ўғли Абдулхамидов

Фарғона давлат университети, география мутахасислиги магистранти

Хамралиев Жумааҳмад Шухратжон ўғли
Фарғона давлат университети, география мутахасислиги магистранти

Аннотация: В данной статье рассматриваются теоретические основы изменения землепользования в условиях колоний. Даны экологические предпосылки территориальной организации использования земельных ресурсов Ферганской долины конца XIX века.

Abstract: This article describes the theoretical basis of land use change in the conditions of the colony. Given environmental background of the territorial organization of land resources Ferghana Valley in late XIX century.

Ключевые слова и фразы: этноэкология, землепользование, исторический подход, устойчивое развитие, специализация.

Key words and phrases: ethno ecology, using land, historical approach, sustainable development, specialization.

Кириш. Жаҳонда табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва антропоген ландшафтлар майдонларининг кенгайиб бориши, иқлим ва ер ости ҳамда ер усти сувларидан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгариши шароитида ер ости сувларининг ландшафтларга таъсирини комплекс баҳолаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу муаммоларни олдини олиш, уларга қарши курашишга халқаро ташкилотлар катта эътибор қаратишмоқда, жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурининг 15-бандида “Қуруқлик экосистемаларини мухофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва ортга қайтариш”1 га қаратилган вазифалар белгилаб олинган.. Мазкур вазифаларни ечишда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини комплекс тадқиқ этиш ҳамда геоэкологик баҳолаш долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда, бошқа соҳаларда бўлгани каби ер ресурсларидан фойдаланишда ҳам халқимизнинг кўп йиллик маданиятини илмий асосда ўрганиш, “оддий” (примитив) бўлиб кўринган малака ва кўникмаларни қайта баҳолаш вақти келди. Кишилик жамияти ривожининг ҳозирги босқичида ижтимоий-экологик муаммоларнинг кескинлашуви кузатилмоқда. Фан ва техниканинг кучига ортиқча ишониш, уни барча муаммоларни ҳал қилишга қодир деб ўйлаш хато эканлиги кўплаб олимлар томонидан эътироф этилмоқда [3, 5, 6, 10].

Тадқиқотнинг мақсади. Табиий-илмий ва техникавий соҳа намоёндаларининг изланишлари, ютуқлари инсон ва унинг маданиятини ўрганувчи гуманитар соҳа муаммолари билан уйғунлашиб кетмоқда. Кўп ҳолларда табиий-илмий ва техникавий йўналишларда эришилган натижаларни ҳаётга татбиқ этишда гуманитар соҳа билан ҳамкорлик қилиш кутилган натижалар бермоқда. Шунинг учун ҳам фанларнинг гуманитарлашуви ёки ижтимоийлашуви ҳаёт тақозосидан келиб чиққан тарзда давом

этмоқда. Мазкур мақоланинг асосий мақсади юқорида қайд этилган омилларни ҳисобга олган ҳолда ердан фойдаланишни тадқиқ этиш ва таҳлил қилишни тарихий ёндашув асосида Фарғона водийси мисолида кўриб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Фарғона водийсида аҳоли, хўжалик ва унинг тармоқлари, табиий шароит ва ресурслар салоҳияти, ҳудудий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожланишининг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш жараёнида ҳудуднинг географияси ва бошқа хусусиятлари бўйича турли адабиётлар таҳлил қилинди. Шунингдек, тарихийлик, географик-таққослаш, адабиётларни ўрганиш, иқтисодий-статистик таҳлил, иқтисодий-математик ва каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди ҳамда карталар ва фонд материаллари ўрганилди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Америкалик географ Д.Смит географияда ишлаб чиқариш ва табиатдан фойдаланишни ўрганишга ҳаддан зиёд аҳамият берилиб, ижтимоий адолат ва кишилар орасида турмуш фаровонлигини белгиловчи шартларни ўрганишга кам эътибор берилаётганлигини таъкидлайди. Чунончи, Т.Н.Кузнецов экологик ва регионал муаммоларни ҳал қилишда анъанавий табиатдан фойдаланиш ўрнини ёритиб, барқарор ривожланишни таъминлашнинг тўғри йўлларидан бири сифатида табиатга, она ерга шарқона муносабатда бўлиш лозимлигини қайд қилади [7. 44]. С.М.Мягков эса бу борада янада қатъийроқ фикр билдириб, Россияни XXI-асрда кутилаётган ижтимоий-экологик ҳалокатлардан қутқариш йўлларини ҳам этник маданият тарихан шаклланган ва сақланиб қолган “қутқариш ороллари” дан излаш кераклигини ёзади [10. 6].

Гуманитар соҳа олимлари ҳам ер ресурсларидан фойдаланишда, унга таъсир этишдан олдин (масалан, мелиорациядан) экотизимларга умуман аралашмасдан ундан унумли фойдаланиш йўлларини қидириб топиш арзон ва зарарсиз эканлигини таъкидламоқдалар. Фандаги бу илмий қарашларнинг натижаси сифатида халқаро анжуманларда (Рио-де-Жанейро, 1992, Йоханнесбург, 2002) ривожланишнинг барқарор йўлига ўтиш ҳақида кўплаб таклифлар айтилмоқда. Илмий адабиётларда кенг ёритилаётган “Sustainable development” ибораси ўзбек тилига “барқарор ривожланиш” деб таржима қилинади. Экологик муаммоларнинг ечими ҳақида Рио конференциясининг асосий ҳужжати бўлган “XXI аср кун тартиби” да ҳам маҳаллий туб жой аҳоли фойдаланадиган анъанавий билимлар ва қадриятлар, ресурслардан фойдаланиш усулларини алоҳида ўрганиб чиқиш таъкидланган.

Мазкур тавсиялар замирида эҳтиёжни қондириш даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли сонини, табиатдаги антропоген ўзгаришлар улуши ҳамда тикланмайдиган ресурсларнинг ишлатиш миқдорини имкон қадар чеклаш *ривожланишининг барқарор* йўлига ўтишни асосий шартларидан бири эканлиги ётади. Бу фикрлар бизни табиатдан, жумладан, ердан фойдаланишнинг оқилона ҳудудий ташкил этиш йўлларини топишга *тарихий ёндашув* зарур, деган хулосага келишимизнинг дастлабки шарти, холос. Ер ресурсларини ўрганишга тарихий ёндашувнинг бугунги кунимиз учун аҳамиятли эканини асословчи қуйидаги ҳолатлар ҳам мавжуд:

– халқимизнинг ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш борасида тўпланган, ўз даврида ўлкамизни ўрганган хорижлик олимларни ҳайратга солган кўникма, малака ва тажрибалар йиғиндиси, яъни юксак этноэкологик маданияти ва улардан амалиётда фойдаланиш зарурати;

– мустақил ривожланаётган ва колониал тузум асоратига тушиб қолган ўлкаларда табиатдан, жумладан, ердан фойдаланишга турлича мақсад билан ёндашув хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш асосида тегишли хулосалар чиқариш.

XIX асрнинг охирига келиб ўлкамиз аҳолиси, табиати ва хўжалигини ҳар томонлама ўрганиш кучайди [2, 9, 8, 4, 13, 14]. Шу йўналишда олиб борилган ишларнинг

мақсади ва мазмуни турлича бўлсада, уларда ер ва сувдан фойдаланишдаги ўзига хос жиҳатлар умумий тарзда айтиб ўтилган.

В.Кушелевский XIX асрнинг охирига келиб сунъий суғориш ва ерга ишлов беришнинг кўп минг йиллик тажрибасини қўллаш оқибатида Фарғона водийси ер шарининг энг унумдор мамлакатлари қаторига чиққанлигини эътироф этади [8. 17]. Немис олими В.Родлофф ўлкамиздаги суғориш тизимидан ҳайратга тушиб, шундай ёзади: “Мазкур суғориш тармоғи шундай бир ажойиб техника-ки, чинданда, ҳатто жуда илмли муҳандислар ҳам бунинг сабабини осонгина эплай олмаган бўлур эдилар” [13. 70].

Минтақада қадимдан заҳирада ўзлаштириш учун ер ва керакли миқдорда сув ресурслари ушлаб турилган. Деҳқончилик яйлов чорвачилиги, ҳунармандчилик ва ривожланган савдогарлик фаолияти билан биргаликда олиб борилган. Қишлоқ хўжалигида ишлатиш мумкин бўлган ерларнинг 40-50 фоизигагина ишлов берилган, қолган ерлар эса алмашлаб экиш тизими бўйича бўз, қўриқ ер сифатида қолдирилган. Маҳаллий деҳқонлар шу йўл билан тупроқ унумдорлигини бир хилда сақлаб келганлар. Бу ҳақда Фарғона вилояти бўйича қилинган ҳисоботда шундай ёзилади: “…ҳисобот йилида маҳаллий аҳоли учун ажратилган яроқли ерларнинг 41,04 фоизигагина ишлов берилди, қолган 476, 786 ботмон (1 ботмон- бир гектарга яқин майдон -А.Ю.) миқдордаги яроқли ер эса ишловсиз қолди. Бундай ҳолатнинг сабабини тушунтириш қийин” [11. 8].

Хулоса. Ердан фойдаланишни тарихий ёндашув асосида ўрганиш лозим, деган хулосага келишимизга сабаб бўлган яна бир ҳолат - мустамлака тузум асоратига тушиб қолган халқлар яшайдиган ҳудудлардаги табиатдан фойдаланиш қонуниятидир. Шу соҳани дунё мамлакатлари, хусусан, Жанубий Осиё давлатларидаги жараёнларни ўрганган В.А.Пуляркиннинг таъкидлашича, мустамлака шароитига тушиб қолган мамлакатларда ердан фойдаланиш соҳасида юз берадиган биринчи жараён товар экинларни киритилиши ва бу ҳудудлар иқтисодиётини метрополия давлатларининг аграр хом-ашё қуйруғига айланиб қолишидир.

Деҳқончиликнинг маҳаллий шароитини яхши билмаган, ердан фойдаланишда фақатгина кўпроқ ва тезроқ фойда олишни ўйлаган агроном учун тушунарсиз кўринган бу ҳолатнинг сабабини ота-боболарининг кўп асрлик тажрибасига суянган маҳаллий деҳқонлар яхши билганлар. А.Ф.Миддендорф Фарғона вилоятидаги обикор деҳқончилик маданияти билан амалий танишиб, унга юксак баҳо беради ва “...биз бу ишни Шарқ халқларидан ўрганишимиз керак”, деб ёзади [14.112].

Юзага келган шароитда ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи ихтисослашув имкониятлари ҳам йўққа чиқарилади [12. 176]. Районлараро ихтисослашув ўрнини бизда пахта яккаҳокимлиги эгаллайди. Ердан фойдаланишнинг маҳаллий тизими барбод этилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абдулхамидов А. Орошения в предгорьях Узбекистана.- Т.: Фан, 1990. - 176 с.
2. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана / Соч., Т.3. - М.: Наука. 1965. - С.5-31.
3. Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. - Л.: Гидрометиздат, 1990. -528 с.
4. Клокова К.Б. Традиционное природопользование коренных малочисленных народов севера (географические и социально- экономические проблемы).: Автореф. дис. …докт. географ. наук.- М., 1998.-30с. //www.rangifer.org/gumilev/k12_2.shtm#06
5. Кузнецов Т.Н. Феномен «Восток-Запад» и возможный географо-социалогический парадокс. // Известия АН. сер.геогр. -Москва, 1990 г. -С.44-49
6. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. - Новый Маргилан . 1890. --210 с.
7. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. (перевод с нем.) СПб., Изд. Императорский Академии наук, 1882. - 498с.

8. Мягков С.М. Пути к социально – экономической устойчивости России.// Вест. Моск. ун-та. Сер. 5. География. -Москва, 1995. № 5- С.3-8

9. Обзор Ферганской области за 1887 г., -Новый Маргилан: Типография Ферг. Обл.правления. 1889 г. -С.3-48

10. Пуляркин В.А. Новые тенденции в использовании земель в развиваюҳихся странах Южной Азии./ Вопросы географии. –М.,1975. - -С. 174-190

11. Радлофф В. Ўрта Зарафшон водийси. // Ҳаёт ва иқтисод. -Тошкент, 1992. № 7. -Б. 70-71.

12. Рахимбеков Р.У.. Донцова З.Н. Ўрта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1982. -200 б.

13. Абдуғаниев, О. И., & Нишонов, Б. (2022). Экологик-Хўжалик Ҳолатни Оптималлаштиришда Муҳофаза Этиладиган Табиий Ҳудудларнинг Аҳамияти. *Miasto Przyszłości*, *25*, 72-73.

14. Abdug‘aniyevich, A. H., & Abdumalik o‘g‘li, A. A. (2022). HUDUDNING TABIIY-GEOGRAFIK XUSUSIYATLARI AHOLI JOYLANISHIGA TA’SIR ETUVCHI OMIL SIFATIDA. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, *1*(12), 576-581.

15. Абдувалиев, А. Ҳ., & Абдулхамидов, А. А. Ў. (2022). МАРКАЗИЙ ОСИЁ АҲОЛИСИНИНГ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТИГА ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. *Academic research in educational sciences*, *3*(10), 435-440.

16. Gayratovich, M. E., Abdusattor, A., & Nematulloh, F. (2022). THE ROLE OF HISTORICAL AND CULTURAL MONUMENTS IN THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN THE FERGANA VALLEY. *Scientific Impulse*, *1*(4), 81-86.

17. Gayratovich, M. E., Abdusattor, A., & Begoyim, A. (2022). ORGANIZATION OF ECOTOURISTIC ROUTES IN FERGANA REGION. *Scientific Impulse*, *1*(4), 87-92.

18. Gayratovich, M. E., Abdusattor, A., & Abdulxamidovich, M. J. (2022). THE IMPORTANCE OF RELIGIOUS TOURISM IN PROTECTING THE NATURE OF FERGANA VALLEY. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, *2*(13), 145-149.

19. Abdug‘aniyevich, A. X. (2023). FARG ‘ONA VILOYATI NORASMIY MEHNAT BOZORLARI SHAKLLANISHINING GEOGRAFIK OMILLARI. *World of Science*, *6*(4), 574-580.

20. Abdug‘aniyevich, A. X. (2023). FARG ‘ONA VILOYATIDA NORASMIY MEHNAT BOZORLARI SHAKLLANISHINING O ‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. *World of Science*, *6*(4), 581-587.

21. Abdumalik o‘g‘li, A. A. (2023). ECOLOGICAL ASPECTS OF PRIVATE PROPERTY NAMES TO TOPONIMIC OBJECTS. *World of Science*, *6*(4), 570-573.

22. Абдувалиев, А. Ҳ., & Абдулхамидов, А. А. Ў. (2021). ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИНИНГ ИЖТИМОИЙИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, *2*(12), 1127-1136.

23. Vosiljonov, A. (2022). Basic theoretical principles of corpus linguistics. *Academicia Globe: Inderscience Research*, *3*(2), 1-3.

24. Vosiljonov, A. (2022). LINGVISTIK TADQIQOTLARDA KORPUS O ‘RGANISH OBYEKTI SIFATIDA. *IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, *2*(11), 176-182.

25. Vosiljonov, A. (2022). PRAGMALINGVISTIKA VA UNING TAHLILIY SHAKLLANISH TARIXI. *Science and innovation*, *1*(B8), 99-105.

26. Vosiljonov, A. (2022). PRAGMALINGUISTICS AND THE HISTORY OF ITS ANALYTICAL DEVELOPMENT. *Science and Innovation*, *1*(8), 99-105.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

27. Vosiljonov, A., & Isaqova, X. (2023). EFFECTIVENESS OF MOTHER TONGUE EDUCATION IN THE PRIMARY GRADES. *International journal of advanced research in education, technology and management*, *2*(2).

28. Dilshodbek o‘g‘li, R. S., & Boxodirjon o‘g‘li, V. A. (2022). XORIJ PSIXOLOGLARINING ISHLARIDA SHAXSNING TADQIQ ETILISHI. *INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION*, *1*(12), 39-47.



WORDLY
KNOWLEDGE